
ҲОКИМ ҚАБУЛИ: ҲАР БИР МУРОЖААТ – ЭЪТИБОРДА!

Бағдод тумани ҳокими Ғанижон Солиев бугун навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди. 1-сонли касб-ҳунар мактабида ташкил этилган қабулда ҳоким фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашиб, муурожаатларини бирма-бир тинглади.

Унда вилоят ҳокимлиги умумий бўлим раҳбари Маърифат Оҳунжонова ҳам иштирок этди.

Қабулда туман аҳолисининг турли йўналишлардаги 50 дан ортиқ муаммолари қабул қилиниб, уларнинг аксарияти, жумладан тиббий ёрдам, ишга жойлашиш, тадбиркорлик, фермер хўжалигида низоли ҳолатлар бўйича муурожаатлар жойида ижобий ҳал этилди. Вақт ва ўрганиш талаб қиладиган муурожаатлар, шунингдек, электр, ичимлик суви, газ устунларини алмаштириш, янги трансформатор қўйиш, кўча ёритгичлари ўрнатиш каби муурожаатлар бўйича масъулларга муддатлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Эслатма: Ҳар ҳафтанинг сешанба кунида соат 9:00 дан бошлаб туман ҳокими қабули давом этади. Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)

2024-07-19 10:05:15